

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил декабрь ойининг 2 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, суд биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED], тарафлардан давлат айбловчиси Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан [REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 22.08.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2) жиноят ишлари бўйича [REDACTED] ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича [REDACTED] ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида, 66.900.000 сўм жарима, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

4) жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 12.01.2024 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖК 59 ва 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 315 баравари миқдорида, яъни 94.500.000 сўм жарима, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга



ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, [REDACTED]

қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

1) Судланувчи [REDACTED], ҳавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2023 йил декабрь ойи охирида, А вилояти Андижон шаҳридаги “ [REDACTED]

[REDACTED] тегишли давлат рақами [REDACTED] бўлган қора рангли “Монза” русумли автомашинанинг пулини 2024 йил 30 апрель кунига қадар жами 60.000 АҚШ доллари (740.326.200 сўм)га келишиб, автомашинани ва ер майдонининг ҳужжатларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзлаштириб юборган.

2) Бундан ташқари, [REDACTED] ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ҳавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг кўп миқдордаги мол-мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2024 йил январь ойининг бошларида Тошкент шаҳар,

[REDACTED] вга ушбу автомашинани 1 ойлик муддатда номига нотариал тартибда олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, ундан олдиндан келишилган 13.000 АҚШ доллари (161.224.440 сўм) миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни шахсий манфаатлари йўлида сарфлаб юборган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2023 йил декабрь ойи охирида, [REDACTED] вилояти [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED]

[REDACTED] долларлик [REDACTED] шахри, Чўктема кўчасида жойлашган 0.8 гектар майдонининг ва 20.000 АҚШ долларлик [REDACTED] давлат рақами [REDACTED] қора рангли “ [REDACTED] автомашинанинг пулини 2024 йил 30 апрель кунига қадар жами 60.000 АҚШ долларига келишиб,



автомашинани ва ер майдонининг ҳужжатларини олганлигини, лекин пулларини ўз вақтида бера олмаганлигини, бундан ташқари, 2024 йил 15 январь куни

номидаги давлат рақами қора рангли “ гўёки сотиб олганлигини айтиб,

олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб беришини ваъда қилиб, ундан олдиндан келишилган 13.000 АҚШ доллари олганлигини ва автомашинани ўз вақтида расмийлаштириб бера олмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ва жабрланувчилардан кечирим сўраганлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг юқоридаги жиноятларни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 586⁷-моддасининг 3-қисмида “суд мажлиси ўтказиладиган жой ва сана ҳақида лозим даражада хабардор қилинган жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг вакилининг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун монелик қилмайди” деб белгиланган.

Суд мажлисига келмаган жабрланувчи

дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилди.

Бундан ташқари, жиноятларни содир этишдаги айби, дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни жабрланувчиларнинг қонуний чора кўриш ҳақидаги аризаси, тушунтириш хатлари, нарсани олиш, кўздан кечириш баённомалари, юзлаштириш баённомалари, шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олинishi лозим. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунидаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори 3-5-бандларида берилган амалий тушунтиришлар, иш



ҳолатлари ва тўпланган далилларни инобатга олиб, судланувчи К.Мирзаевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан 1-эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, яъни *“фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жуда кўп миқдорда содир этилишида”* ва 2-эпизод бўйича ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, яъни *“фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш кўп миқдорда ва такроарн содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи

назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, уни модданинг оғирроқ жазо белгиланган ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди бўйича жавобгарликка тортишни лозим топади.

Шунингдек, суд жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини ва уларнинг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди. Жиноятни ғараз ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Иш ҳужжатларига кўра, ишлари бўйича

ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари, 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандлари, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖК 59 ва 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 315 баравари миқдорида, яъни 94.500.000 сўм жарима ҳамда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганлиги, жарима тўланмаганлиги, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижрога қаратилмаганлиги аниқланди.

Шу билан биргаликда, турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ



қопланганлигини ва уларнинг даъвоси йўқлигини, айбга иқрорлик келишуви тасдиқлашни ва айбдор деб топиладиган Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ҳамда [REDACTED] муқаддам иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин унинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланганлигини инобатга олиб, ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи [REDACTED] этказилган зарар қопланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек, суд ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона [REDACTED] ёзилган тилхат жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Айбга иқрорлик келишуви тасдиқлансин.

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилсин.

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57²-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида, яъни 102.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида [REDACTED] ишлари бўйича Андижон туман судининг 12.01.2024 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган жазони мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман кўшиб, узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 320 баравари миқдорида, яъни 108.800.000 сўм жарима ҳамда иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жарима давлат даромади ҳисобига ундирилсин.

Жазоларнинг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилиши белгилансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Андижон вилояти, Андижон тумани ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.



██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари тушунтирилсин.

██████████ нисбатан қўлланган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров тариқасида топширилган 7.000.000 сўм пуллар гаровга қўювчи

██████████ ва ██████████ етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона ██████████ ёзилган тилхат жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатиغا апелляция тартибида, ЖПКнинг 498-моддасига мувофиқ, суднинг ҳукми апелляция тартибида қўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят келтирилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

Ж.Хожимуродов

Нусхаси аслига тўғри, судья:

